

БИЛИМНИ ТИЗИМЛИ АСОСДА БАҲОЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ**Мираббос ИРИСКУЛОВ**

филология фанлари номзоди, профессор

Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини
ривожлантириш республика илмий-амалий маркази

Республикамызда хорижий тилларни ўқитишни такомиллаштиришга мўлжалланган кўплаб расмий ҳужжатларнинг эълон қилиниши, ушбу ҳужжатлар асосида таълим тизимининг барча босқичларида амалга оширилаётган ижобий ишлар бугун нафақат юртимизда, балки халқаро ҳамжамиятда ҳам эътироф этилаётгани сир эмас. Бунинг сабабларидан бири – дунё таълим тизимида яхши маълум бўлган, хорижий тилларни, айниқса, инглиз тилини ўқитишда жиддий ижобий ўзгаришларга сабабчи бўлаётган CEFR Умумевропа стандарти, яъни “Чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” меъёрларининг мамлакатимиз ўқув жараёнига қабул қилинишидир.

Чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш тўғрисида гап борганда тилга олинадиган асосий масалалар қуйидагилардир:

- Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларининг сифат даражалари;
- қандай метод ва ёндашувлар асосида машғулотлар олиб борилиши;
- танланган стратегик ёндашувлар ўқувчи-ёшларни, талабаларни қай даражада қизиқтира олиши;
- машғулотларда қандай ўқув материалларидан фойдаланилиши;
- талабаларнинг ўқитилаётган фанга қизиқишини уйғотиш қандай амалга оширилиши;
- аудиториялардаги ўқувчиларнинг билим даражаси бир хил ёки турли даражада эканлиги;
- ўқувчи-ёшлар томонидан ўзлаштирилаётган билим сифатини аниқлаш билан боғлиқ масалалар қай даражада ишлаб чиқилганлиги ва бу тизимнинг маҳсулдорлиги;
- ўқув жараёнига киритилаётган материаллар қайси малакаларни ривожлантириш ёки такомиллаштиришга қаратилганлигининг ҳисобга олинганлиги;
- тил ўзлаштирувчиларнинг билим даражалари ким томонидан назорат қилиниб борилиши;

— хорижий тилларни ўзлаштираётганларнинг амалдаги метод ва ёндашувлардан, уларнинг қайси малакаларниқай даражада яхшилашга мўлжалланганлигидан бохабарлиги;

— керакли адабиётларнинг етарли даражада мавжудлиги;

— дастурий материалларга ажратилган вақтнинг/соатларнинг етарлилиги;

— тил ўрганувчиларнинг ўз мутахассислигини ўзлаштиришга бўлган қизиқиши;

— дарс бераётган ўқитувчиларнинг ўқувчиларнинг чет тилини ўрганишга оид мотивацияларини ривожлантириш билан боғлиқ тажрибаларининг етарлилиги ва бошқалар.

Сўнгги беш йил ичида муҳокама этилаётган масалалар бўйича амалга оширилган ва оширилаётган ишлар мақтовга сазоворлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлар тубдан қайта ишланиб, талаб даражасида такомиллаштирилди, замонавий дарсликлар, ўқув-услубий материалларнинг янги авлоди яратилди ва яратилиши давом этмоқда.

Хусусан, бошланғич мактабларга “Kids’ English”, ўрта мактаб ўқувчилари учун “Fly High”, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълим муассасалари учун “English”, олий таълим учун “Scale Up” ва бошқалар. Барча дарсликларга имкон даражасида замонавий мультимедиа материаллари ҳам илова қилинмоқда. Юқорида қайд этилган ҳужжатларга амал қилинган ҳолда баъзи олий таълим муассасаларида асосий мутахассислик фанлари бўйича маърузалар инглиз тилида ўқиладиган бўлди. Таъкидлаб ўтилган ишлар Республикамизда чет тилларни ўқитишнинг халқаро ҳамжамиятда амалга оширилаётган ёндашувларга кўп жиҳатдан мос келаётганлигининг исботидир.

Республикамизда бу фанга ажратилган соатлар халқаро талабларга тахминан жавоб беради. Бундан бир неча йиллар илгари англиялик мутахассис Ричард Уест Ўзбекистонда PRESETT дастури асосида инглиз тилини ўқитиш йўлга қўйилса, инглиз тилидан ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилган билим даражаси халқаро талабларга жавоб бера олишини қайд этиб ўтган эди. Ҳозирги кунда чет тили машғулотлари айнан ана шу **PRESETT** дастури асосида олиб борилмоқда.

Республикамиз раҳбарияти томонидан таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишни такомиллаштиришга қаратилган барча вазифалар тизимли равишда ўз ечимини топомқда. Лекин такомилнинг чеки йўқ. Шу билан бир қаторда хорижий тилларни ўқитиш сифатини янада такомиллаштириш, тил ўрганувчиларнинг мулоқот маҳоратини янада яхшилаш билан боғлиқ бир масала бир оз оқсоқляпти, у ҳам бўлса, тил

ўрганувчилар эришаётган билим, кўникма ва малакалари кўп жиҳатдан бугунги кун талабига жавоб бермаяпти. Бу масалани қатъий назорат остига олиниши – талабидир. Тил ўрганувчилар билимини назорат остига олиш дастурий материалларни ўзлаштириш даражасини, ҳар икки тур малака, яъни фаол – продуктив (гапириш ва ёзиш) ва рецептив (тинглаб тушуниш ва ўқиб тушиниш) малакаларнинг белгиланган даражада ўзлаштирилганлигини тизимли аниқлаб боришга хизмат қилади.

Бугун халқаро лингводидактикада бу йўналишда учта атама қўлланилаётганини таъкидлаш муҳим, булардан биринчиси – *evaluation*, иккинчиси – *assessment* ва учинчиси – *testing*.

Evaluation атамаси ўқув жараёни билан боғлиқ барча масалаларни, жумладан: ўқув режа ва дастурлар сифатини, дарсларни, ўқув жараёнини ташкиллаштиришни ҳамда дарслик, ўқув-услубий қўлланмаларни талаб даражасида яратилиши кабиларни қамраб олади.

*Assessment – evaluation*нинг бир қисми бўлиб, у тил ўрганувчининг билим даражасига оид барча билим, кўникма ва малакаларига тегишлидир. Демак, ассесмент бевосита тил ўрганувчилар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг тилга оид билимларини баҳолайди.

Тестлар ассесментнинг бир қисми бўлиб, тил ўрганувчининг тилга оид амалий билимларини ўрганади. Демак, тестлар ассесментни амалга оширишга хизмат қилувчи воситадир.

Бугун хорижий тилларни ўқитишда билимни объектив баҳолаш ўта аҳамиятли масалалардан ҳисобланади. Билимни тўғри, объектив баҳолаш чет тилни ўрганиш ва ўқитишни тўғри йўлга қўйиш, тил ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ беришга, ўқитувчининг касбий маҳоратини баҳолашга, ДТС, ўқув режа ва дастурлар сифатини аниқлашга, дарсликка киритилган матнлар, материаллар сифати, улар ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликнинг таъминланиши даражаси, синфлар, курсларга мўлжалланган дарсликлар ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликнинг қай даражада амалга оширилганлиги масалаларига аниқлик киритишга хизмат қилади.

Ёшларимизнинг хорижий тилларда равон гапиришларини талаб даражасига олиб чиқиш, юртимиз таълим тизими томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган асосий масаладир.

Бунинг учун Республикамиз таълим муассасаларида билим сифати қатъий назорат остига олиниши керак. Хорижий тилга оид билимларни баҳолайдиган кадрларни тайёрлаш ЎзДЖТУнинг магистратура босқичида махсус бўлим очиш орқали амалга оширилиши ва унда замонавий тестларни ярата оладиган тестологларни тайёрлаш бугунги кун талабидир. Бундай курсларда таҳсил олган мутахассис қуйидагиларни билиши зарур:

1. Чет тилларни ўқитиш билан боғлиқ асосий тамойилларни ўзлаштирган бўлишлари;

2. Билимни баҳолашда қўлланиладиган атамалар, терминларни яхши билишлари;

3. Билимни баҳолаш муддатлари ва ушбу мақсадда тайёрланган тестлар сифатини таъминлай оладиган даражадаги малакаларга эга бўлишлари;

4. Билимни баҳолаш билан боғлиқ барча жараёнларни ўзлаштирган бўлишлари;

5. Ички ва ташқи тестларнинг мақсад ва вазифаларидан бохабар бўлишлари.

Билимни баҳолашдан кутилаётган асосий мақсад куйидагилардир:

— тил ўрганувчиларга чет тилдан ўзлаштирган билимларини объектив баҳолаш ва уларнинг ютуқ ҳамда камчиликларини ўзларига тушунтириш;

— тил ўрганувчилар билими ДТС талабларига мослиги ё мос эмаслиги;

— имкон даражасида ўқувчиларнинг чет тилини ўрганишга оид қизиқиши, мотивациясини ривожлантириш;

— раҳбар ходимларга таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш билан боғлиқ, объектив ахборот бериб бориш ва шу йўл билан уларни таълим муассасаларининг амалга ошираётган ишларини назорат қилиб бориш ва тегишли равишда баҳолаш;

— ўқувчи-ёшларнинг ота-оналарига фарзандларининг билим даражаси тўғрисида одилона ахборот бериб бориш;

— керак бўлса, тил ўрганувчиларни қизиқиши ва билим даражасини ҳисобга олиб, уларнинг билимларига қараб гуруҳларга ажратиш;

— тил ўрганувчиларнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаб, улар асосида тилни ўзлаштиришга оид янгича ёндашув ва ўқувчиларнинг заиф томонларини ҳисобга олиб, тегишли материалларни танлаш;

— билим даражасини CEFR талаблари асосида сертификациялаш учун;

— тил ўрганувчиларнинг дастурий материаллар ва билимларни эгаллаганлик даражасини баҳолаш, мулоқат маҳоратига эришганлик даражасини аниқлаш, лозим бўлса, дастурий материалларга ўзгартиришлар киритиш учун.

Агар билимни баҳолашни тизимли равишда замонавий тестлар асосида йўлга қўя олсак, чет тили бўйича ўқувчиларнинг билим даражаларини тубдан такомиллаштиришга эришишимизга шубҳа йўқ. Халқаро ҳамжамиятда бу нарсага жиддий аҳамият берилишининг сабаблари ҳам қайд этилган масалалар билан боғлиқ.

Ушбу маърузанинг асосий мақсади:

1. Чет тилларни ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик тамойилини таъминлашга мўлжалланган тестларни ярата оладиган мутахассисларни тайёрлаш.

2. Ўқув режа ва дастурларда қайд этилган билим, кўникма ва малакаларни талаб даражасидаги тестларни мақсадга йўналтирилган ҳолда амалиётда қўллаб, тегишли хулосалар чиқариш, камчиликларнинг олдини олиб бориш;

3. Малака ошириш курсларида билимни баҳолаш билан боғлиқ махсус предмет киритиб, унда малака оширувчиларга замонавий тестлар турлари ва уларга қўйиладиган талабларга оид билим, кўникма ва малакаларни бериш ҳамда жойларда уларга амал қилинишини таъминлаш.

Бугунги кунда ЎзДЖТУ ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази чет тилларни ўқитиш, ўрганиш ва билимни баҳолаш йўлида бир қатор жиддий ишларни амалга оширмоқда. Лекин билимни баҳолаш масаласи ўта мураккаб жараён бўлиб, билимни баҳолаш тизимига оид қатор ишларни яъни мақсадга йўналтирилган тестларни яратиш ва улардан ўринли фойдаланишни билладиган замонавий мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳам қарз, ҳам фарз.

Ҳукуматимиз қарорлари асосида ушбу мақолада тақдим этилган ғоялар Республикамиз таълим тизимига қабул қилинган Умумевропа стандарти бўлмиш CEFRнинг ажралмас таркибий қисмидир. Чет тилларни ўрганиш ва ўқитиш, билимни баҳолаш билан узвий боғлиқ. Шундай экан, бу йўналишдаги ишларимизни тез орада, жадал суратлар билан йўлга қўйишимиз керак. Бугунгикун талаблари даражасидаги тестологларни тайёрлашни бир-икки ҳафталик семинар-тренинглар орқали амалга ошириб бўлмайди. Бундай тадбирлар мавжуд малакаларни оширилишигагина хизмат қилиши мумкин.

ИЛОВА

Замонавий тестлар турлари

Ўқув жараёнида қўлланиладиган тестлардан кутилаётган натижа тил ўзлаштирувчиларнинг ўқиш, эшитиб тушуниш, ёзиш, гапириш ва лингвистик малакаларга қай даражада эришганликларини аниқлашдир. Билимни баҳолашга мўлжалланган тестларнинг халқаро ҳамжамиятдаги асосий турлари еттита. Улар қуйидагилар:

1. **Placement tests.** Ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлаб, гуруҳларга ажратиш.

2. **Aptitude tests.** Бутестлар тил ўрганувчиларнинг ўрганаётган тилини ўзлаштира олиш қобилиятини аниқлаб, гуруҳларга ажратишга хизмат қилади, масалан, тилни осон ўзлаштирувчи гуруҳ ёки уни ўрганишда қийналадиганлар гуруҳ қаби.

3. **Diagnostic tests.** Бу тестларнинг асосий мақсади – тил ўрганувчиларнинг қайси йўналиш, қандай материалларни ўзлаштиришда қийинчиликка дуч келишини аниқлашдан иборатдир. Ушбу тестлар натижасига қараб ўқитувчи ўз материалларига ўзгартиришлар киритади.

4. **Progress tests.** Ушбу тестлар дастурий материалларнинг ўқувчи томонидан қай даражада ўзлаштирилаётганлигини аниқлашга хизмат қилади. Одатда, бу тестлар ўқитувчилар томонидан тузилади, лозим топилса, дастурга ўзгартиришлар киритиш масаласи кўтарилади.

5. **Achievement tests.** Бу тестлар кўп жиҳатдан *Progress test*ларга ўхшайди. Агар *Progress test*лар ҳар бир ўтилган дарс бўйича талабалар билимини баҳоласа, *Achievement test*лар ҳар чоракда, ярим йилда ва йил охирида амалга оширилиб, ўқувчи-ёшларнинг тилга оид билимларини текшириб, уларга баҳо беради.

6. **Proficiency tests.** Тилга оид барча малакаларни текширишга мўлжалланган тестлар. Бу тестларга IELTS, TOEFL, EST (Educational testing services) кабилар киради.

Кейинги йиллари хорижий мамлакатларда тестларнинг янги турлари тез ривожланмоқда. У ҳам бўлса “*Postholders Foreign Language Proficiency Assessment Tests*”, яъни бошқа мамлакатлардан келиб, ишга жойлашмоқчи бўлган шахснинг танланган ишига оид чет тили даражасини аниқлаш учун яратилган тестлар. Бундай шахслар учун инглиз ё бошқа тилни билишнинг ўзи кифоя эмас, улар танланган ишига оид атамалар ва бошқа ўзига хос хусусиятларни ҳам билиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарори.–Тошкент, 2012 йил, 10 декабрь//http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2126032
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сон қарори. – Тошкент, 2013 йил, 8 май// http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2165717
3. Coombe Ch., Folse K., Hublely N. (2007) A Practical Guide to Assessing English Language Learners. Ann Arbor. The University of Michigan Press.
4. David Crystal. 1993. The Cambridge Encyclopedia of Languages. The Cambridge University Press.
5. Humes, D. (1996) on Communicative Competence. Baltimore: Penguin.